



2018 йил 25 сентябрь

№ 314-ум

“ ”

2018 года

**Ўзбекистон Республикаси адлия органларининг
эмблемаларини таъсис этиш тўғрисида**

Адлия органлари зиммасига юкланган вазифаларнинг таъсирчан амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирок этиш, шунингдек давлат бошқарувида адлия органларининг имижини янада ошириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 сентябрдаги 02-2287-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемасининг маъқулланганлиги инобатга олинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемаси намунаси ва тавсифи 1-иловага мувофиқ;

Давлат нотариал идораларининг эмблемаси намунаси ва тавсифи 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг эмблемаси намунаси ва тавсифи 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг эмблемаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси адлия органларининг эмблемаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари қайд этиб ўтилган эмблемалардан фойдаланишда белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминласин.

4. Ишлар бошқармаси, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари бир ой муддатда тегишли равишда адлия органлари ва муассасаларининг маъмурий биноларини мазкур буйруқда қайд этилган тегишли эмблемалар билан жиҳозлаш юзасидан таклиф киритсин.

5. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси ушбу буйруқни вазирликнинг манфаатдор таркибий бўлинмаларига етказсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосарлари ва Давлат хизматлари агентлиги директори Х.Турахужаев зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шаҳри.



Р. Давлетов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемаси намунаси ва тавсифи



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемаси инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш рамзини англатувчи, пастки қисми чўзилган ва юқори бурчаклари кесилган учбурчак кўринишдаги қалқон шаклида бўлиб, уни дафна япроқлари безаб туради.


Қалқон юзаси кумуш рангда. Қалқондаги сариқ ранглар эътиборни тортувчи ва хушёрликка чорловчи ранг сифатида ифодаланган.

Қалқон марказида адолат рамзи бўлган тарози жойлашган. Тарози адолат, одиллик ва қонунийликни англатади.

Қалқон ичида икки йўл тасвирланган бўлиб, улар адолат ва ҳақиқатга элтувчи йўللарни билдиради. Йўлларнинг кўк рангда тасвирланиши барча эзгу ишларимизни қонун билан ҳимоя қилинганлигини билдиради. Ушбу йўللарни адолат нурларини ифодаловчи қуёш нурлари ёритиб туради.

Қалқоннинг юқори қисмида сариқ рангли бош ҳарфлар билан латин алифбосида: “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI”, пастки қисмида эса “KUCH – ADOLATDA” деган сўзлар ёзилган.

**Давлат нотариал идораларининг
эмблемаси намунаси ва тавсифи**




Давлат нотариал идораларининг эмблемаси жигарранг рангдаги овал шаклда бўлиб, унинг ичида буғдой бошоқлари, қалқон ичида олтин рангдаги муҳр ва ручка тасвирланган.

Овалнинг пастки қисмида унинг четидан учлари чиқиб турган тўртбурчак ичида оқ рангда лотин алифбосида бош ҳарфлар билан “NOTARIUS” ёзуви мавжуд.

Қалқон тасвири нотариус томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни англатади.

Буғдой бошоқлари нотариус касбининг виждонлилигини билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги
Давлат хизматлари агентлигининг эмблемаси ва тавсифи**



Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг эмблемаси ҳаёт, ривожланиш рамзини англатувчи, тўқ яшил рангли бир нечта олти қиррали шакллардан иборат бўлиб, барча давлат хизматларини ўзида мужассамлаштирган тузилмани англатади.


Ички олти бурчакли шакллар ўлчамининг турли хил эканлиги Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматларнинг даражалари ҳар хил эканлигини билдиради.

Давлат хизматлари агентлигининг барча хизматлари шаффофлиги ва ўзаро боғланганлигини англатиш учун ички шакллар бир текисда, изчил жойлашган.

Ички шакллар ранглариининг тепадан пастга қараб тўқ рангли бўлиб бориши давлат хизматлари кўрсатиш сифатининг доимий яхшилаб борилиши, тезкорлиги ва шаффофлиги оширилиб борилишини англатади.

Олти бурчакли шаклнинг пастки қисмида узун чизикдан кейин ҳар бир сўзи бош ҳарф билан бошланувчи “Adliya Vazirligi Davlat Xizmatlari Agentligi” сўзлари ёзилган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг эмблемаси ва тавсифи**



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг эмблемаси шаффофлик ва ривожланиш рамзини англатувчи кўк-зумрад рангдан иборат мультимедиа соҳасига тегишли “Play” тугмасини ўзида ифодалаб, бу оммавий ахборот воситаларида ахборотни тўғри, тезкор ва сифатли етказишни англатади.

Эмблемадаги йўллар мультимедиа маркази томонидан етказиладиган медиа маҳсулотлар халқни адолат ва ҳақиқат йўлига бошлашига ишорани англатади.

Эмблемадаги кўк-зумрад ранги фаолиятнинг шаффоф эканлигини, шу билан бирга билимлилик, улуғворликка даъват қилувчи, аҳоли билан самимий мулоқотни уйғотувчи ранг ҳисобланади.

Рамзнинг юқори қисмида кўк рангда бош ҳарфлар билан латин алифбосида: “ADLIYA”, паски қисмида эса “MULTIMEDIA” деган сўзлар ёзилган.

**Адлия органларининг эмблемаларидан
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом адлия органларида таъсис этиладиган эмблемалардан (кейинги ўринларда эмблема деб аталади) фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом қуйидаги эмблемалардан фойдаланишга татбиқ этилади:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемаси;

Давлат нотариал идораларининг эмблемаси;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг эмблемаси;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг эмблемаси.

3. Эмблемалар адлия органларининг расмий рамзлари ҳисобланади.

II. Эмблемалардан фойдаланиш

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемасидан қуйидаги мақсадларда ва ўринларда фойдаланилиши мумкин:

адлия органлари ва муассасаларининг маъмурий биноларида ва ахборот бурчакларида ўрнатилган деворий стендларда;

адлия органлари ва муассасаларининг расмий веб-сайтларида ва вазирлик нашрларида;

хуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш материалларида (баннер, плакат, флаер, буклет ва бошқалар), шу жумладан ижтимоий тармоқларда жорий қилинган адлия органлари ва муассасаларининг саҳифалари, каналлари ва бошқаларда;

ташкилий тадбирлар учун мўлжалланган ҳужжатларда, совғалар ва бошқа материалларда;

давлат хизматларини кўрсатиш учун ажратилган махсус автотранспорт воситалари ҳамда бошқа техника воситаларида;

адлия органлари учун ажратилган автотранспорт воситалари ҳамда бошқа техника воситаларда.

5. Давлат нотариал идораларининг эмблемасидан қуйидаги мақсадларда ва ўринларда фойдаланилади:

давлат нотариал идораларининг маъмурий биноларида ҳамда ахборот бурчакларида ўрнатилган деворий стендларда;

адлия органларининг расмий веб-сайтларида ва вазирлик нашрларида;

ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш материалларида (баннер, плакат, флаер, буклет ва б.), шу жумладан ижтимоий тармоқларда жорий қилинган адлия органларининг саҳифалари, каналлари ва бошқаларда;

ташкилий тадбирлар учун мўлжалланган ҳужжатларда, совғалар ва бошқа материалларда;

давлат нотариал идоралари томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш бўйича юритиладиган ҳужжатларда.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг эмблемасидан қуйидаги мақсадларда ва ўринларда фойдаланилади:

Давлат хизматлари агентлиги ва туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг маъмурий биноларида ҳамда ахборот бурчакларида ўрнатилган деворий стендларда;

адлия органларининг расмий веб-сайтларида ва вазирлик нашрларида;

ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш материалларида (баннер, плакат, флаер, буклет ва бошқалар), шу жумладан ижтимоий тармоқларда жорий қилинган адлия органларининг саҳифалари, каналлари ва бошқаларда;

ташкилий тадбирлар учун мўлжалланган ҳужжатларда, совғалар ва бошқа материалларда;

давлат хизматлари марказлари томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш бўйича юритиладиган ҳужжатларда;

давлат хизматларини кўрсатиш учун ажратилган махсус автотранспорт воситалари ҳамда бошқа техника воситаларида.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг эмблемасидан қуйидаги мақсадларда ва ўринларда фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази биносида;

адлия органларининг расмий веб-сайтларида ва вазирлик нашрларида;

Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази томонидан тайёрланган турли материаллар, шу жумладан адлия органлари ва муассасалари фаолиятини кенг ёритиш бўйича тайёрланган ахборот-таҳлилий ва обзорли медиа материалларда, аудио ва видеороликлар, теле- ва радиокўрсатувлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан тайёрланган репортажларда ҳамда уларни эфирга, шунингдек, Интернет тармоғига узатишда.

Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази учун ажратилган автотранспорт воситалари ҳамда бошқа техника воситаларида.

8. Эмблемалардан мазкур Низомда назарда тутилмаган, бироқ адлия вазирининг буйруқларида белгиланган бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин.

9. Эмблемалардан вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, вазирлик тасарруфига кирувчи адлия органлари ва муассасалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда ва мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади.

Эмблемалардан фойдаланишда уларнинг шаклига турли ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бошқача тарзда бузиб фойдаланиш тақиқланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий рамзи – эмблемаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун, давлат нотариал идораларининг эмблемаси давлат нотариал идоралари нотариуслари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўкрак нишони тариқасида жорий этилиши мумкин.

11. Чет элликлар учун адлия органлари фаолияти тўғрисида маълумот берувчи материаллар ва эсдалик совғалари учун эмблемалардан фойдаланишда, унда келтирилган ёзувларни лотин тилидаги ёки бошқа хорижий тиллардаги таржимасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

III. Яқуний қоидалар

12. Мазкур Низомда белгиланган талабларга ходимлар томонидан риоя этилмаслиги ижро интизомини бузиш ҳисобланади ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлади.

13. Мазкур Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиб бориш адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.